

82 ёшли аёл Қуръони каримни ўқишни ўрганди



09:12 / 05.12.2018 2441

Агар инсон бирорта ишни бажаришга астойдил интилса, Аллоҳнинг иродаси билан албатта ўша нарсанинг урдасидан чиқади.

– 82 ёшга кириб араб тилини ўрганаман, Қуръон каримни ўқийман деб ҳеч ҳам ўйламаган эдим, – дейди 8 фарзанднинг онаси, 20 неваранинг бувиси туркиялик Наида Қорақуюн хоним.

Аёлнинг айтишича, у анча йиллардан буён Қуръони каримни ўқишни орзу қилиб юрган. Лекин ҳаёт ташвишлари бунга ҳеч фурсат бермаган. Ниҳоят 82 ёшга кирганида бутун ҳаёт икир-чикирларини бир четга суриб қўйиб, Қуръони каримни ўргатиш курсига қатнай бошлади ва Аллоҳнинг инояти билан қисқа фурсатда араб тилида Каломуллоҳни ўқишга мушарраф бўлди, деб хабар беради Haber-7.

Бирорта дарсни ҳам қолдирмай ўқишга қатнаётган Наида хоним барча аёлларни ҳеч иккиланмай Қуръон курсларига боришга чақирди.

Қуръон курси ўқитувчиси Садаф Бўстончининг айтишича, янги очилган Қурон курсига 50 ва 80 ёш орасидаги аёллар кирган. Уларнинг орасида энг ёши улуғи бўлган 82 ёшли Наида хоним қисқа фурсатда Қуръони каримни

Ўқишни ўрганган ва ҳозирда Ёсин сурасини ҳам тўлиқ ёд олиш арафасида экан.

Islom.uz портали таҳририяти